


Иқтисодиётнинг муҳим тармокларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти катта ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, сұғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Хизматлар соҳасида 12,9 мингдан ортиқ корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,9 % ни ташкил этди. Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.


**Хизматлар соҳасига таалукли фаолият кўрсатаётган корхоналар
ва ташкилотлар сони, бирликда
(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари) 2020 йил 1 октябрь ҳолатига**



2020 йил 1 октябрь ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида

хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши, % да

(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)



2020 йил 1 октябрь ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида энг юқори улушни савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар 39,0 % ташкил этди.

Яшаш ва овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 9,3 % ни ташкил этди.

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида ташиб ва сақлаш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 6,6 % га етди.


Соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг улуши 3,1% ни ташкил этди.

Ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар улуши 2,6 % га teng бўлди.

2020 йилнинг январь-сентябрида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 4574,5 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1219,5 млрд. сўм ёки умумий қўрсатилган хизматлар ҳажмининг 26,7 фоизини ташкил қилди. 2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш 103,5 фоизни ташкил этди.

Хизматлар таркибида жами хизматларнинг энг катта улуши, транспорт хизматлари (26,3 %), савдо хизматлари (23,4 %), молиявий хизматлар (20,4 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,1 %) ва бошқа хизматлар (23,8 %) ҳиссасига тўғри келди.

**2020 йил январь-сентябрь ойларида қўрсатилган
хизматлар таркиби, % да**



**Январь-сентябрь ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқарышнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

	ҳаракат- даги корхона- лар сони	млрд. сўм		ўсиш суръати, %	якунга нишбатан фоиз хисобида
		2020 й.	2019 й.		
Жами хизматлар	5979	4574,5	4086,5	103,5	100,0

*шу жумладан хизмат
турлари бўйича:*

алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	127	278,9	256,3	107,9	6,1
молиявий хизматлар	99	934,3	720,7	127,0	20,4
транспорт хизмати	829	1 201,4	1 090,3	104,1	26,3

*шу жумладан:
автотранспорт
хизматлари*

яшаш ва овқатланиш хизматлари	716	129,2	118,5	100,5	2,8
савдо хизматлари	2684	1 069,9	965,0	97,9	23,4

*кўчмас мулк билан
боғлиқ бўлган
хизматлар*

кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	236	122,2	118,9	90,4	2,7
---	-----	-------	-------	------	-----

давоми

	<i>ҳаракат- даги корхона- лар сони</i>	<i>млрд. сўм</i>		<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>якунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
		<i>2020 й.</i>	<i>2019 й.</i>		
таълим соҳасидаги хизматлар	526	214,0	187,4	97,6	4,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	216	46,1	47,3	77,9	1,0
ижара хизматлари	53	90,0	91,4	86,7	2,0
компьютерларни ва майший товарларни таъмирлаш хизматлари	131	133,2	124,2	95,2	2,9
бошқа шахсий хизматлар	75	165,2	155,9	94,4	3,6
меъморчилик, мұхандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	79	61,8	81,7	66,6	1,3
бошқа турдаги хизматлар	564	128,3	128,9	88,3	2,8

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 26,3 фоизи) ва савдо (23,4 фоизи) хизматларига тўғри келди.


Шунингдек, молиявий хизматлар (127,0 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (107,9 фоиз), транспорт хизматлари (104,1 фоиз), ўсиш суръати юқори бўлди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби,
(2020 йил январь–сентябрь, жамига нисбатан % да)

Транспорт хизматлари	26,3 %
Савдо хизматлари	23,4%
Молиявий хизматлар	20,4%
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлар	6,1%
Таълим соҳасидаги хизматлар	4,7 %
Шахсий хизматлар	3,6 %
Компьютрларни таъмирлаш бўйича хизматлар	2,9 %
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	2,8 %
Бошқа хизматлар	2,8 %
Кўшмас мулк билан боғлиқ хизматлар	2,7 %
Ижара хизматлари	2,0 %
Меъморчилик соҳасидаги хизматлар	1,3 %
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	1,0 %

Бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги савдо хизматлари 23,4 % энг юқори улушни ташкил этади. Савдо оддий тақсимлаш механизмидан истеъмолчига йўналтирилган бозор талабларини шакллантириш жараёнларида фаол иштирокчига айланди. Ҳозирги вақтда, савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг сезиларли қисми ҳисобланади.

2020 йил январь-сентябрь ойлари да савдо хизматлари таркиби, % да




- Автомобил ва мотоциклларни таъмирлаш бўйича хизматларни қўшган ҳолда автомобиллар ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар
- Улгуржи савдо бўйича хизматлар (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари)
- Автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар

**2020 йил январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича
хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм**

	Транспорт хизматлари	1 201,4 млрд. сўм
	Савдо хизматлари	1 069,9 млрд. сўм
	Молиявий хизматлар	934,3 млдр. сўм
	Бошқа хизматлар	326,2 млрд. сўм
	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	278,9 млрд. сўм
	Таълим соҳаси хизматлар	214,0 млрд. сўм
	Шахсий хизматлар	165,2 млрд. сўм
	Яшаш ва овқатланиш хизматлари	129,2 млрд. сўм
	Компьютерларни таъмирлаш бўйича хизматлар	133,2 млрд. сўм
	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	122,2 млрд. сўм

Жорий йил январь-сентябрь ойлари давомида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида транспорт хизматлари энг катта улушни эгаллаган бўлиб, 1201,4 млрд. сўмни ташкил этган, 2019 йилнинг мос даврига (2019 йилда 1090,3 млрд. сўм) нисбатан 104,1 фоизни ташкил этган, шунингдек кўрсатилган хизматлар ҳажмида савдо хизматлари – 1069,9 млрд. сўм (2019 йилда – 965,0 млрд. сўм), молиявий хизматлар – 934,3 млрд. сўм (2019 йилда 720,7 млрд. сўм) ва таълим соҳасидаги хизматлар – 214,0 млрд. сўм (2019 йилда – 187,4 млрд. сўм) ҳиссаларига тўғри келди.

**Иқтисодиёт фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган
бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, %
(2020 йил январь-сентябрь ойлари учун)**




Шу билан бирга, энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (27,0 %), алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хизматлар (7,9 %) ва транспорт хизматларида (4,1 %) қайд этилди.

Республикамизда кредит сиёсати бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг давом этирилиши молиявий хизматларнинг ўсишига имконият яратди. 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида молиявий хизматларнинг ўсиш суръати 27,0 % ни ташкил этди.

Замонавий банк хизматлари кўрсатиш, жумладан “рақамли” банклар ва чакана хизматлар кўрсатишга ихтисослашган банк бўлинмаларини ташкил этиш учун инновацион банк технологияларини жорий қилиш, масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш, тулов тизимини янада ривожлантириш молиявий хизматларнинг жадал ривожланишига ёрдам беради.

2020 йил январь-сентябрь ойларида молиявий хизматлар ҳажми 934,3 млрд. сўмга тенг бўлиб, 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати эса 127,0 % ни ташкил этди.

**2020 йил январь-сентябрь ойларида молиявий
хизматларнинг таркиби, % да**



**2020 йил январь-сентябрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича
хизматлар ишлаб чиқариш**

	<i>Ҳажми млрд. сўм</i>	<i>Ўсиши суръати, % да</i>	<i>Аҳоли жон бошига минг сўмда</i>	<i>Ўсиши суръати, % да</i>
Қорақалпогистон Республикаси	4574,5	103,5	2 398,5	102,0
Нукус ш.	2 702,6	104,5	8 414,0	103,0
<i>туманлар:</i>				
Амударё	171,9	102,2	860,0	100,5
Беруний	182,4	102,3	947,4	100,4
Бўзатов	10,6	105,1	491,8	104,6
Қонликўл	42,5	102,7	830,3	101,3
Қораўзак	56,4	101,7	1 066,7	100,9
Кегайли	38,7	102,3	532,6	101,5
Қўнғирот	529,5	101,7	4 057,4	100,4
Мўйноқ	38,5	102,9	1 201,8	101,3
Нукус т.	38,4	104,0	760,1	102,2
Тахиатош	71,6	101,6	965,7	100,4
Тахтакўпир	44,7	102,7	1 104,2	101,4
Тўрткўл	206,1	102,3	957,3	100,6
Хўжайли	188,8	102,4	1 532,4	101,2
Чимбой	80,0	102,4	710,5	101,5
Шуманай	44,7	103,1	790,7	101,8
Элликқалъа	127,2	102,8	794,7	101,0

Шаҳар ва туманлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Бўзатов тумани (105,1 %) га тўғри келди.


Қорақалпогистон Республикаси бўйича кўрсатилган хизматларнинг 50 % дан ортиги Нукус шаҳри (59,1 фоиз), Кунғирот тумани (11,6 фоиз), Тўрткўл тумани (4,5 фоиз) ва Хўжайли (4,1 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Энг паст ўсиш суръатлари Тахиатош тумани (101,6 %), Каравзяк тумани (101,7 %), Кунғирот тумани (101,7 %), Амударё (102,2 %), Беруний (102,3 %) ва Кегейли (102,3 %) туманларида кузатилди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 2398,5 минг сўмни ташкил қилди. Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 102,0 % ни ташкил этди.

Ушбу кўрсаткич ҳудудлар ўртасида Нукус шаҳрида 8414,0 минг сўмдан Бўзатов туманида 491,8 минг сўмгача оралиқни ташкил этади.

**Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йил январь-сентябрь ойлари учун)**



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Нукус шаҳрида – 8414,0 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,0 % ни ташкил этди.

Бундан ташқари, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли ўсиши Бўзатов (104,6 %), Нукус (102,2 %), Шуманай (101,8 %), Чимбой (101,5 %) ва Кегейли (101,5 %) туманларида кузатилди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи, Бўзатов (491,8 минг сўм), Кегейли (532,6 минг сўм) туманларида кузатилди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида шахар ва туманлар бўйича савдо хизматлари ҳажми



Савдо хизматлари ҳажми бүйича энг юқори күрсатгич Нұкус шаҳрида (322,9 млрд. сўм), Тұртқұл (104,2 млрд. сўм) ва Хұжайли (98,2 млрд. сўм) туманларида қайд этилди.

Савдо хизматлари энг кичик күрсатгич Бўзатов (4,7 млрд. сўм) туманида қайд этилди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида савдо хизматлари ҳажми 1069,9 млрд. сўмга тенг бўлди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 97,9 % ни ташкил этди.


2020 йил январь-сентябрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича Савдо хизматларининг ўсиш суръати, % да



2019- йил январь-сентябрь ойларига нисбатан савдо хизматларида энг юқори ўсиш суръати Бўзатов (117,4 %), Нұкус (110,2 %), Амударья (109,6 %) ва Кегейли туманларида (109,2 %) кузатилди.

Энг кам ўсиш суръати Нұкус шаҳрида (85,7 %) қайд этилди.

**2020 йил январь-сентябрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича
савдо хизматлари улуши, % да**




Савдо хизматлари ҳажмида энг катта улушни шаҳар ва туманлар ўртасида Нукус шаҳри (30,2 %) ва Тўрткўл (9,7 %) туманлари эгаллади.

Шаҳар ва туманлар ўртасида энг кам улуш Бузатов (0,4 %), Кегейли (1,6 %) ва Нукус (1,8 %) туманларига тўғри келади.

2020 йил январь-сентябрь ойларида транспорт хизматлари ҳажми 1201,4 млрд. сўмга тенг бўлди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,1 % ни ташкил этди.

**2020 йил январь-сентябрь ойларида шахар ва туманлар бўйича
транспорт хизматларининг ўсиш суръати ва ҳажми**



Транспорт хизматлари ҳажми бўйича энг юқори қўрсатгич Нукус шаҳрида (567,2 млрд. сўм) ва Қунғирот туманида (375,9 млрд. сўм) қайд этилди.

Транспорт хизматлари ҳажми бўйича энг кичик қўрсатгич Бўзатов туманида (2,4 млрд. сўм) қайд этди.